

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 815-ҳадис

815 - وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ تَرَكَ
اللباسَ تواضِعاً لله، وهو يقدرُ عليه، دعاَهُ اللهُ يومَ القيامةِ على رُؤوسِ الخلائقِ؛ حتى يُخَيَّرَهُ مِنْ أَيِّ
حُلَلِ الإِيمانِ شاءَ يلبسُها». رواه الترمذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2481].

815. Муоз ибн Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким кийинишга қодир бўла туриб, Аллоҳга тавозуъ қилган ҳолда (олий навли) либосни тарк қилса, Аллоҳ Қиёмат куни бутун халойиқнинг бошига чақириб, иймон либосларининг хоҳлаганини танлаш ҳуқуқини беради», дедилар.

Имом Термизий ривояти. Имом Термизий уни ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: «Ким кийинишга қодир бўла туриб, Аллоҳга тавозуъ қилган ҳолда (олий навли) либосни тарк қилса», деб айтилмоқда. Аммо бахиллик қилиб ёки зуҳдликни изҳор қилиш мақсадида ёки дангасалиқдан ёки ожизлик сабаб тарк қилса, бу ҳадис остига кирмайди.

Абу Дардо вафот топганларида кийимларида қирқта ямоқ бор эди. Ваҳоланки, улашадиган маблағлари тўрт минг эди.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттобнинг кўйлақларининг елка қисми орасида тўртта ямоқ бор эди.

Абу Усмондан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттобни жамрада тош отаётганларида кўрдим, у зотнинг изорлари мешкобнинг қийқимидан ямалган эди.

Бошқалардан ривоят қилинади: Умар розияллоху анхунинг кўйлақларида 14 та ямоқ бор эди. Ямоқларнинг бири теридан эди.

Шайхул ислом Абу Ҳафс Сухравардий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Дағал ва оддий кийимларни кийиш яхши ва аълоқ ҳамда банда учун омонроқ ва офатдан йироқдир. Демак, эҳтиёткорлик юзасидан мана шу сўзни олмоқ яхшидир. Банда бу соҳада кенгайиши лозим эмас, айниқса у кенг илмни ҳамда комил тазкияни қўлга киритмаган бўлса. Аммо бир қавм рухсатни олмасдан азийматни олишди ҳамда дунёда зуҳд қилиш фазилатини ўтказиб юбормаслик учун қимматбаҳо кийимларни киймасликни афзал билишди.

Зуҳдни лозим топмаганлар шариатнинг рухсат берган ўринларидан фойдаланаверади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар. Расулulloҳ с.а.в.: «Қалбида уруғ мисқолича кибри бор одам жаннатга кирмайди», деганларида, бир киши: «Одам кийими ва пойабзали гўзал бўлишни яхши кўради (Бу ҳам кибрга кирадими?) деганида, у зот: «Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади»», дедилар.

Демак, фахр ва кибр учун бўлмасдан, исроф қилмаган ҳолда, зарурат юзасидан яхши кийимларни кийишнинг зарари йўқ.

Манба: hadis.islom.uz

